

**ТОШКЕНТ ТҮҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

АХМЕДОВ ХАМИДУЛЛА АБДУХОШИМОВИЧ

**ОТИБ БЕРУВЧИ БАРАБАНЛИ АРРАЛИ ЖИННИНГ
РЕСУРСТЕЖАМКОР ҚИСМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мекатроника ва
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences

Ахмедов Хамидулла Абдухошимович
Отиб берувчи барабанли аррали жиннинг ресурстежамкор қисмларини
ишлаб чиқиши.....3

Ахмедов Хамидулла Абдухошимович
Разработка ресурсосберегающих узлов пильного джина с
набрасывающим барабаном.....21

Akhmedov Khamidulla
Development resourcesaving parts of saw gin with throwing
drum.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ТҮҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

АХМЕДОВ ХАМИДУЛЛА АБДУХОШИМОВИЧ

**ОТИБ БЕРУВЧИ БАРАБАНЛИ АРРАЛИ ЖИННИНГ
РЕСУРСТЕЖАМКОР ҚИСМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мекатроника ва
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2017.4.PhD/T516 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Механика ва иншоотлар сеисмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухаммадиев Давлат Мустафаевич
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Джураев Анвар Джураевич
техника фанлари доктори, профессор

Саримсоқов Олимжон Шарипжанович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «16» ноябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шоҳжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (47-ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шоҳжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2018 йил «29» октябр куни тарқатилди.
(2018 йил «29» октябрдаги 47- рақамли реестр баённомаси).

Қ.Жуманиязов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

А.Джураев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пахта толаси тўқимачилик саноатининг асосий хом-ашёларидан бири ҳисобланади. Дунё статистикаси ва «Пахта бўйича халқаро консультатив қўмита» (ICAC) маълумотларига кўра 2017/18 йил мавсумида пахта толаси ўртacha нархи 84,63 центни, пахта етишириладиган умумий майдон 32,4 миллион гектарни, териб олинаётган пахта толаси 25,68 млн. тоннани ва 2017/18 йилларда кутилаётган пахта толаси миқдори эса 26,7 млн. тоннани ташкил этади¹. Шу жиҳатдан пахта тозалаш саноатини янада ривожлантириш, янги ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиши, маҳсулот таннархини камайтириш ва жаҳон пахта бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш катта аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологиясини тақомиллаштириш ва уларни илмий асосларини яратиш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан пахта тозалаш корхоналарининг асосий машинаси ҳисобланган аррали жин машинасининг ишлаш жараёнини автоматлаштириш, иш унумдорлигини ошириш, ишчи камерани ресурстежамкор қисмлар билан жиҳозлаш, уларни мустаҳкамликка таъсирини аниқлаш, машинанинг эксплуатация ишончлиигини тақомиллаштириш, математик моделларини ишлаб чиқиши ва уларнинг оптимизация масаласи ёрдамида олинаётган пахта толасининг табиий сифатини сақлаб қолиш муҳум аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга янги конструкциядаги ресурстежамкор аррали жин ишчи камераси ишлаб чиқиши, уни параметрларини асослаш, пахтани қайта ишлашда тола сифатини сақлаш, самарадорлигини оширувчи ресурстежамкор қисмлар билан таъминлаш ва энергия сарфини камайтириш зарур ҳисобланади.

Республикамизда пахтачилик тармоғини ривожлантириш, пахта тозалаш корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, пахта хом ашёсини қайта ишлаш рентабеллигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардошлигини ошириш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда, жумладан аррали жиннинг янги конструкциядаги ишчи камерасини ишлаб чиқиши ва уни янги ресурстежамкор қисмлар билан жиҳозлаш, электр энергия сарфини камайтириш, янги конструкцияли аррали жин ишчи камераси қисмларини мамлакатимизда ишлаб чиқариш технологияларини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

¹ Cotton: World Statistics. <http://www.ICAC.org>; <http://www.statica.com>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартағи ПҚ-4707-сон “2015-2019 йиллар учун таркибий ислоҳатлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аррали жин ишчи камерасини такомиллаштириш, ресурстежамкорлигини ошириш, машина иш унумдорлигини ошириш, деталларнинг ишчи юзаларини мустаҳкамлигини ошириш ва чиқаётган маҳсулот сифатини ошириш масалалари соҳасида жаҳондаги йирик олимлар, жумладан E. Whitney, S.Z.Hall, T.Elliot, S.E.Hughs, R.N.Rakoff, A.V.Stanley, R.G.Hardin, P.A.Funk ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Мамлакатимизда ҳам бир қанча олимлар аррали жин машинасини иш унумини ошириш, ресурстежамкор қисмлар билан жиҳозлаш ва жин машинасига сарфланаётган энергия сарфини камайтириш бўйича илмий изланишлар олиб борган. Бундай олимларга Р.Г.Махкамов, И.Т.Махсудов, А.Е.Лугачев, М.Тиллаев, М.Агзамов, Б.М.Мардонов, Н.З.Камалов, А.П.Парпиев, Х.Т.Ахмедходжаев, А.Джураев, Ш.П.Алимухамедов, Д.М.Мухаммадиев, С.З.Юнусов ва бошқаларни мисол қилиб айтиш мумкин.

Олиб борилган таҳлил натижалари пахтани қайта ишлаш, хусусан аррали жин машинасини муҳим деталларининг ресурстежамкорлигини ва иш унумини ошириш масалалари етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатди. Хорижда ишлаб чиқарилган аррали жин ишчи қисмларини тўғридан-тўғри маҳаллий аррали жинларда фойдаланишга имкон бермайди. Шу боисдан янги конструкцияли ишчи қисмларининг параметрларини асослаган ҳолда юртимизда ишлаб чиқариш зарурдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти илмий тадқиқот ишлари режасининг КА-3-012 «Ресурстежамкор аррали жинни такомиллаштирилган қисмлари билан ишлаб чиқиши» (2015-2017 йй.), ИОТ-2015-2-11 «Йиғиш аниқлиги ва мустаҳкамлиги юқори бўлган кўп марта ишлатиладиган жин колосникларини ишлаб чиқаришга жорий этиши» (2015-2016 йй.) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади пахтани узатиш тизимида аррали цилиндрга пахтани отиб берувчи барабан ва ресурстежамкор аррали жин колосник

панжарасини ишлаш чиқиши ва уни ишлаш муддатини оширувчи параметрларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аррали жин машинаси технологик жараёнини таҳлил қилиш ва шу машина учун янги конструкциядаги ишчи қисмларни ишлаб чиқиши;

математик моделлар асосида пахтанинг колосник панжара ва отиб берувчи барабан юзасидаги ҳаракатини тадқиқ тиш;

машина ишчи органларининг энергетик ва рационал кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида отиб берувчи барабан ва икки барабанли пахта таъминлагичли аррали жин машина агрегат ҳаракат тенгламасини ишлаб чиқиши;

аррали жиннинг энергия сарфини камайтирувчи ва ресурс тежамкорлигини оширувчи қисмларнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот обьекти сифатида пахтани узатиш тизимида аррали цилиндрга пахтани отиб берувчи барабан ва ресурстежамкор аррали жин колосник панжараси олинган.

Тадқиқот предмети янги конструкциядаги колосник панжара ва отиб берувчи барабанини ҳисобий схемалари ҳамда пахтанинг отиб берувчи барабан юзасидаги ва чигитнинг колосник панжара юзасидаги ҳаракатларини ифодаловчи математик моделлари ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараённида назарий ва амалий механика, машина ва механизмлар назарияси, технологик машиналарни иш жараёнларини математик моделлаштириш, математик статистиканинг режалаштириш ва тажриба натижаларини қайта ишлаш, математик физика ва олий математика элементи усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

отиб берувчи барабанли аррали жиннинг мавжуд қисмлари орқали такомиллаштирилган янги конструкциялари ишлаб чиқилган;

отиб берувчи барабанли ва икки барабанли таъминлагич ҳамда аррали жин машинаси энергетик кўрсаткичларини ва юритманинг рационал кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

аррали жинлаш жараёнини ҳисоблаш усули, барабан ва аррали цилиндрнинг ўзаро жойлашув ўлчамларини дастурий воситалари ҳамда янги конструкциядаги 30 ва 138 аррали жин колосник панжарасини мустаҳкамлик кўрсаткичларининг қийматлари асосида ишлаб чиқилган;

пахтани қайта ишлашда тола сифатини сақловчи ва самарадорлигини оширувчи ресурстежамкор ва энергия сарфини камайтирувчи отиб берувчи барабанли аррали жиннинг асосий конструктив, технологик ва техник эксплуатацион тавсифлари назарий ва тажриба тадқиқотлари натижасида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

отиб берувчи барабан ва янги конструкциядаги колосник панжарани ўрнатиш натижасида аррали цилиндрнинг электрэнергия сарфи 7%га камайган ва колосник панжаранинг ресурстежакорлиги эса 50% га ошган;

Ишчи органларни ресурстежамкорлигини ошириш ва энергия сарфини камайтириш мақсадида отиб берувчи барабанли аррали жиннинг динамик кўрсаткичлари аниқланган ва қозиқли барабан юзасидаги пахтани ҳаракат троекторияси бўйича ЭХМда ҳисоблаш учун дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган;

отиб берувчи барабанли ва янги конструкциядаги ресурстежамкор колосник панжарали аррали жин машинасининг ишчи камераси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда шакллантирилган илмий тамойиллар, хуносалар ва тавсиялар, назарий ва тажрибавий тадқиқотларни бир-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишдаги натижалар, шунингдек натижаларни солишириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг қўриб чиқилаётган фан соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижасининг илмий аҳамияти отиб берувчи барабан юзасидаги пахтанинг ва янги конструкциядаги консоль колосник юзасидаги чигитнинг ҳаракат қонунлари ва икки барабанли таъминлагич ва отиб берувчи барабанли аррали жин машина агрегатининг динамик ва энергетик кўрсаткичлари ҳамда колосникнинг мустаҳкамлик кўрсаткичларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти ресурстежамкор қисмлар билан жиҳозланган аррали жин ишчи камерасининг ва синов - тажрибалар асосида пахта толаси сифатини сақлаган ҳолдаги энергия сарфи ва иш унумининг мақбул кўрсаткичлари тавсия қилинганлиги ва ишлаб чиқаришга қўллаш имкониятлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ресурстежамкор қисмлар билан жиҳозланган аррали жин ишчи камерасини такомиллаштирилган конструкциясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

аррали жиннинг янги конструкциядаги консоль колосник панжараси бўйича Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (“Аррали жин колосники панжараси”, № FAP 01169-2017 й.). Натижада янги конструкциядаги колосникни брусга маҳкамлаш реакция кучи мавжуд икки таянчли колосникка нисбатан 3,5 мартаға ошириш, нормал кучланиш эса 3,4 мартаға камайтириш имкони яратилган;

отиб берувчи барабан юзасидаги пахтанинг ҳаракат троекториясини аниқлаш орқали унинг конструктив ва кинематик ўлчамлари ҳамда барабан ва аррали цилиндрнинг ўзаро жойлашув ўлчамларини ҳисоблаш дастури “Ўзпахтасаноат” АЖ тасарруфидаги корхоналарда, жумладан “Корасув пахта тозалаш” корхонасида жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2018 йил 5 июлдаги 02-29/4572-сон маълумотномаси). Натижада аррали жиннинг янги конструкциядаги ишчи камерасининг кинематик, технологик, конструктив ва энергетик кўрсаткичларининг мұқобил қийматларини аниқлаш имкони берган;

янги конструкциядаги колосник панжарали аррали жин ишчи камераси “Ўзпахтасаноат” АЖ тасарруфидаги корхоналарда, хусусан “Қорасув пахта тозалаш” корхонасида жорий этилган. (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2018 йил 5 июлдаги 02-29/4572-сон маълумотномаси). Натижада аррали цилиндрнинг электр энергия сарфи 7%га камайган ва колосник панжаранинг ресурстежакорлиги эса 50% га ошишига имкон яратилган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 14 та илмий анжуманларда, шу жумладан 6 та халқаро ва 8 та Республика анжуманларида ва 3 та илмий семинарларда мухокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 10 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган ва Ўзбекистон Республикасининг фойдали моделига 1 та патент ва 2 та дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, обьект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва техникасини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аррали жинлаш ва чигит ажратиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳолатини аналитик таҳлили**» деб номланган биринчи бобида МДҲ давлатлари ва чет эл аррали жин конструкциялари бўйича таҳлил амалга оширилган. Маҳаллий ва чет элда ишлаб чиқарилган аррали жин конструкцияларининг таҳлили шуни кўрсатдики, пахта хом ашёси тўғридан-тўғри аррали цилиндр юзасига узатилади, шунингдек, чет эл аррали жиннинг аррали дисклари диаметри 406 мм ни ташкил этади.


Пахтани жинлаш жараёни, колосникларни бруsga бриктириш конструкциясига ва колосниклар орасидаги технологик тирқиши масофасиги боғлиқ. Арралараро оралиқ масофани камайтириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатдики, чигитни ишчи камерадан чиқариш муаммоси ҳал этилмаганлиги сабабли аррали жин конструкциясини такомиллаштиришга ёндошишда хатоликлар кузатилган.

Ўрта толали пахтани аррали жинлаш бўйича изланишлар таҳлили аррали жинлаш техника ва технологияси масаласини ҳал этиш зарурати,

жинлаш жараёнининг тўғри бўлиш характерлигини ривожлантиришнинг янги йўлларини излашни кўрсатди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатди, жиннинг бир маромда ишлаши пахта хом ашёсини аррали цилиндрга узатиш усули ва колосникни брусга бириктириш конструкциясига боғлиқ бўлиб, бу ерда отиб берувчи барабаннинг ўрни жуда муҳим. Шунинг учун аррали жиннинг ишчи қисмлари, отиб берувчи барабан ва колосник панжарасини ўрганиш зарурати туғилди. Тадқиқот натижасида аниқ мақсад ва вазифалар белгиланди.

Диссертациянинг **«Отиб берувчи барабанли аррали жин динамикаси»** деб номланган иккинчи бобида колосниклар, арра дисклар ейилиши ва электрэнергия сарфини камайтириш учун пахта хом ашёсини аррали цилиндрга тўғридан-тўғри соат стрелкасига тескари йўналишда отиб берувчи барабан ёрдамида узатиш масаласи кўриб чиқилган бўлиб, барабан остига колосниклар ўрнатилган, бу эса пахта хом ашёсини тозалаш ва жинланган чигитни ажратишни таъминлайди (1-расм).




1-расм. Отиб берувчи барабанли аррали жин схемаси

Таклиф этилаётган отиб берувчи барабанли аррали жиннинг самарали ишлаши учун, берилган иш унумдорликда ишчи камерага пахтани бир текисда узатиш ва таъминлаш учун қўйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

- 1) пахта хом ашёсининг қозиқли барабан юзасидаги ҳамда аррали цилиндр тишига келиб тушгунча бўлган ҳаракатларининг математик моделларини ишлаб чиқиши ва унинг ҳаракатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- 2) қозиқли барабаннинг айланиш частотаси ва муқобил диаметрини танлаш, ишчи камерага пахтани бир маромда узатиш, аррали цилиндр юзасига пахтанинг келиб тушиш бурчаги ва унинг иш унумдорлигини аниқлаш;
- 3) аррали цилиндр ва отиб берувчи барабани математик моделлаштиришдан фойдаланган ҳолда вал ўқининг эгилиши, кўндаланг куч эгувчи

моментининг эпюрасини қуриш, унинг айланишининг критик тезлигини аниқлаш ва отиб берувчи барабанни буралишдаги мустаҳкамликка хисоблашни амалга ошириш.



2-расм. Қозиқли барабан юзасидаги пахта ҳаракатини хисобий схемаси

юзасида пахта хом ашёсиннинг (1) ва қозиқли барабандан узилишида пахтанинг ҳаракатининг (2) дифференциал тенгламалари тузилган:

$$\ddot{s} = \frac{d^2 s}{dt^2} = K_{mp} \left[\frac{K^*(\omega R)^2}{m} + 2\omega \dot{s} + g \sin(\omega t + \varphi_0 - \alpha) - \omega^2 R \sin \gamma \right] - \frac{\dot{s}^2}{R} - g \cos(\omega t + \varphi_0 - \alpha) + \omega^2 R \cos \gamma . \quad (1)$$


$$\left. \begin{aligned} \frac{d^2 x}{dt^2} &= -\frac{(K^* \cdot V_x^2) \cdot \sin(\varphi_1)}{m}; \\ \frac{d^2 y}{dt^2} &= -\frac{(K^* \cdot V_y^2) \cdot \cos(\varphi_1)}{m} - g; \end{aligned} \right\} \quad (2)$$

138 аррали жиннинг отиб берувчи барабан ўлчамлари ва кинематикаси тадқиқотлар натижасида барабанга нисбатан 114° бурчакда 0.2667 м/с билан ташлаб бериш зонасидаги нисбий тезлиги пахта хом ашёсиннинг ҳаракатидан фойдаланган ҳолда аниқланган. Аррали цилиндрга нисбатан $1^\circ 02'$ да аррали цилиндр юзасига тушишдан олдинги тезлиги 2.562 м/с ни ташкил этади ($\Delta_x = 0.2365 \text{ м}$; $\Delta_y = 0.08969 \text{ м}$). Отиб берувчи барабан ($\varnothing 145$) ва аррали цилиндр ($\varnothing 320$) орасидаги масофа эса $a_w = 0.25294 \text{ м}$ ни ташкил этади (3-6-расм).


Шунинг учун бу параметрлар отиб берувчи барабан ва аррали цилиндрнинг ўзаро жойлашишида ўлчамларни аниқлаш учун тажрибавий тадқиқотлар ўтказишда ва тайёrlашда хисобга олинган.

Кўриб чиқилаётган хисоблаш схемалари иккита алоҳида қисмлардан ташкил топган. Биринчиси пахтанинг отиб берувчи барабан қозиқларининг юзасида амалга оширилади (2-расм). Иккинчиси эса ундан ажралиб аррали цилиндр юзасига етиб боргунча ҳаракатга ажратилган.


Хисоблаш схемаси асосида қозиқли барабан




3-расм. Отиб берувчи барабан юзасига пахтанинг тушиш бурчагига боғлиқ ҳолда пахта троекториясининг ўзгариши



4-расм. Таъминлаш иш унумдорлиги ва таъминлаш валикларининг айланиш частотасига боғлиқ ҳолда пахта троекториясининг ўзгариши



5-расм. Отиб берувчи барабан диаметрига боғлиқ ҳолда пахта троекториясининг ўзгариши




6-расм. Отиб берувчи барабан айланиш частотасига боғлиқ ҳолда пахта троекториясининг ўзгариши

Отиб берувчи барабанни ҳисобий схемаси ва дастлабки маълумотлари аниқланган. Отиб берувчи барабаннинг барқарор иш тартибини таъминлаш ва резонанс жараёнини олдини олиш учун унинг режимини критик айланиш тезликлари аниқланган ва тебраниш шакллари қурилган. Отиб берувчи барабаннинг биринчи, иккинчи ва учунчи критик тезликларининг ҳисобий микдорлари мос равишда қуидагиларни ташкил этади: 380.67, 1513.3 ва 3353,3 рад/с.

Диссертациянинг «Отиб берувчи барабанли аррали жин ва икки барабанли таъминлагичнинг энергетик кўрсаткичларининг таҳлили» деб номланган учинчи бобида машина агрегати ҳаракат тенгламасидан фойдаланган ҳолда электродвигатель ротори, аррали цилиндр, отиб берувчи

барабан таъминлагич қозиқли барабанининг нотекис айланиши ва частотасининг ўзгариши тасмали узатманинг қайишқоқ ва диссипатив параметрларига боғлиқ ҳолда электродвигатель, аррали цилиндр, отиб берувчи барабан ва таъминлагич барабанларининг инерция моментлари, аррали цилиндр, отиб берувчи барабан ва таъминлагич қозиқли барабанларининг қаршилик моментларини қонуниятларини топиш изланишлар вазифасига киради. Ундан ташқари, электродвигательнинг сарфлайдиган қувват ва нотекис айланишини камайтириш йўлларини аниклаш ва аррали жиннинг кинематик ва технологик параметрларини таъминлаш керак. Бунинг учун юритманинг диссипатив параметрлари ва бўғинларнинг қайишқоқлигини ҳисобга олиш талаб этилади.



7-расм. Аррали жин машина агрегатини динамиқ модели


қаршилик моментлари, Hm ; c_1, c_2, c_3, c_4, c_5 – тасмали узатманинг бикрлиги, $Hm/\text{рад}$; $\varepsilon_1, \varepsilon_2, \varepsilon_3, \varepsilon_4, \varepsilon_5$ – тасмали узатманинг диссипация коэффициентлари, $Hm\text{с/рад}$; $\dot{\phi}_1, \dot{\phi}_2, \dot{\phi}_3, \dot{\phi}_4, \dot{\phi}_5$ – тизимдаги айланувчи массаларнинг бурчак тезликлари, c^{-1} ; $i_{D1}, i_{12}, i_{13}, i_{34}, i_{35}$ - тасмали узатмаларнинг узатиш нисбатлари.

Лагранжнинг II тур тенгламасидан фойдаланиб, отиб берувчи барабанли аррали цилиндрнинг машина агрегат ҳаракатининг умумий кўринишдаги дифференциал тенгламалар тизими қурилган:


$$\left. \begin{aligned} \mathfrak{J}_D \ddot{\phi}_D &= M_D - c_1(\phi_D - i_{D1}\phi_1) - \varepsilon_1(\dot{\phi}_D - i_{D1}\dot{\phi}_1) \\ \mathfrak{J}_1 \ddot{\phi}_1 &= c_1 i_{D1}(\phi_D - i_{D1}\phi_1) + \varepsilon_1 i_{D1}(\dot{\phi}_D - i_{D1}\dot{\phi}_1) - c_2(\phi_1 - i_{12}\phi_2) - \\ &\quad - \varepsilon_2(\dot{\phi}_1 - i_{12}\dot{\phi}_2) - c_3(\phi_1 - i_{13}\phi_3) - \varepsilon_3(\dot{\phi}_1 - i_{13}\dot{\phi}_3) - M_1 \\ \mathfrak{J}_2 \ddot{\phi}_2 &= c_2 i_{12}(\phi_1 - i_{12}\phi_2) + \varepsilon_2 i_{12}(\dot{\phi}_1 - i_{12}\dot{\phi}_2) - M_2 \\ \mathfrak{J}_3 \ddot{\phi}_3 &= c_3 i_{13}(\phi_1 - i_{13}\phi_3) + \varepsilon_3 i_{13}(\dot{\phi}_1 - i_{13}\dot{\phi}_3) - c_4(\phi_3 - i_{34}\phi_4) - \\ &\quad - \varepsilon_4(\dot{\phi}_3 - i_{34}\dot{\phi}_4) - c_5(\phi_3 - i_{35}\phi_5) - \varepsilon_5(\dot{\phi}_3 - i_{35}\dot{\phi}_5) - M_3 \\ \mathfrak{J}_4 \ddot{\phi}_4 &= c_4 i_{34}(\phi_3 - i_{34}\phi_4) + \varepsilon_4 i_{34}(\dot{\phi}_3 - i_{34}\dot{\phi}_4) - M_4 \\ \mathfrak{J}_5 \ddot{\phi}_5 &= c_5 i_{35}(\phi_3 - i_{35}\phi_5) + \varepsilon_5 i_{35}(\dot{\phi}_3 - i_{35}\dot{\phi}_5) - M_5 \end{aligned} \right\}. \quad (3)$$

Машина агрегатининг динамиқ модели 7-расмда келтирилган, бу ерда $\mathfrak{J}_D, \mathfrak{J}_1, \mathfrak{J}_2, \mathfrak{J}_3, \mathfrak{J}_4, \mathfrak{J}_5$ – айланувчи массаларнинг мос равища инерция моментлари, $\text{кг}\cdot\text{м}^2$; $M_D, M_1, M_2, M_3, M_4, M_5$ – мос равища электродвигателнинг ҳаракатлантирувчи моменти ва аррали цилиндрнинг отиб берувчи барабан, оралиқ вал ва таъминлагичнинг қозиқли барабанига таъсир этувчи

Дифференциал тенгламалар (3) системасини ЭХМ да ҳисоблашда қуидаги параметрлардан электродвигателнинг сарфланадиган қувватини ўзгаришига боғлиқ ҳолда натижалар асосида графиклар қурилган; қаршилик моментлари ($M_1=125,4629$; $M_2=1,680576$; $M_4=6,64 \text{ Нм}$ – 8-расм); қайишқоқ-диссипатив параметрлар ($c_1=30700.06$; $c_2=186,82$; $c_3=204.85$; $c_4=c_5=52,93 \text{ Нм/рад}$ ва $\omega_1=157.083$; $\omega_2=0,662$; $\omega_3=1.055$; $\omega_4=\omega_5=0,188 \text{ Н·с/рад}$ – 9-расм); тасмали узатманинг, электродвигателнинг инерция моменти ($\mathfrak{J}_D=0.6 \text{ кгм}^2$); аррали цилиндр ($\mathfrak{J}_1=0.37 \text{ кг м}^2$); отиб берувчи барабан ($\mathfrak{J}_2=0,013 \text{ кг м}^2$); орлиқ вал ($\mathfrak{J}_3=0.01 \text{ кг м}^2$); ва қозиқли барабан инерция моменти ($\mathfrak{J}_4=\mathfrak{J}_5=0.257 \text{ кг м}^2$ – 10-расм) ҳақиқий параметрларнинг ошишида (100%) ва камайишида (-90%)




8-расм. Аррали цилиндр M_1 , отиб берувчи барабан M_2 ва таъминлагични қозиқли барабаннинг M_3 қаршилик моментларига боғлиқ ҳолда электродвигатель сарфлайдиган қувватнинг ўзгариш графиги



9-расм. Тасмали узатмаларнинг бикрликларига $c_1, c_2, c_3, c_4, \%$ боғлиқ ҳолда электродвигатель сарфлайдиган қувватнинг ўзгариш графиги

Ўтказилган ҳисоблашлардан кўринадики, қаршилик моменти –90 дан +100 % гача ошганда электродвигателга сарфланадиган қувват мос равища аррали цилиндрда 605,8 дан 188448,1 Вт гача, отиб берувчи барабанники 9513,0 дан 9627,1 Вт гача ва таъминлагич қозиқли барабанда 9025,1 дан 10115,0 Вт гача ошади, электродвигател роторининг, аррали цилиндр, отиб берувчи барабан ва қозиқли барабанларнинг инерция моменти – 90 дан 100 % гача ошиши билан электродвигатель сарфлайдиган қувватини ўзгариши 9568 – 9684 Вт гача ўзгаради. Шунинг учун бу параметрлар отиб берувчи барабанли аррали цилиндрнинг ва икки барабанли таъминлагич энергия сафини камайтириш учун тажрибавий изланишларда ва уни тайёрлашда ҳисобга олиш керак.



10 - расм. Электродвигателнинг J_d , аррали цилиндрнинг J_1 , отиб берувчи барабаннинг J_2 , оралиқ валнинг J_3 ва таъминлагичнинг қозиқчали барабаннинг J_4 , инерция моментларига боғлиқ ҳолда электродвигатель сарфлайдиган қувватнинг ўзгариш графиги %.



11 - расм. Икки барабанли таъминлагичли ва отиб берувчи барабанли аррали жин.


Таққослаш синовлари натижасида отиб берувчи барабанли 30 та аррали тавсия этилган аррали жиннинг қуидаги ижобий кўрсаткичлари келтирилган: иш унумдорлиги 1,4 кг тола арра/соат, ёки 13,2 % ошган, тола ифлосланганлиги 0,28 % га камайган, чигитнинг шикастланиши эса 0,19 % га камайган.

Диссертациянинг «Аррали жиннинг янги конструкциядаги колосникили панжарасини ишлаб чиқиши» деб номланган диссертациянинг тўртинчи бобида аррали жиннинг колосникили панжараси кўриб чиқилган. Мълумки, колосникили панжарарадаги колосникларнинг қўп қисмлари колосникларнинг қийшайиши ҳисобига арраларга тегиши ва колосникили панжарани йиғиши хатолигидан келиб чиқади. Жиннинг ишлаш жараёнида колосникларнинг ейилиши оқибатида ишчи зонада колосниклар аро тиркишнинг ошиши ва жинлаш жараёнинг бузулишига олиб келади.

Юқорида келтирилган колосникларнинг камчиликларини бартараф этиш учун қуидаги конструктив ва технологик ечимлар таклиф этилган: (12-расм);

1. Колосникили панжара брусларни колосниклардан ташкил топган. Бунда ҳар бир колосникка эгилган лист шаклда алмаштирувчи элемент ўрнатилган бўлиб унинг учи трапеция шаклда бажарилган.
2. Брусларни 1 колосникларни 3 мустаҳкам ва бикр ўрнатиш учун колосникларда 3 тешиклар 2 мавжуд бўлиб, брусларни 1 колосник 3 билан биректириш учун тўртбурчак шаклда бажарилган тешиклар 2 хизмат қилади.


3. Колосник кесими (13 - расм) иккита AB , CD ёй дан ташкил топган, уларнинг R_1 ва R_2 радиуслари мавжуд, B ва C нуқталарда эса BC оғма текислик билан бирлаштирилган, уланинг учлари эса BE , CF ва DG горизонтан чизиқларга бўлинган.



1 – брус; 2 – тешиқ; 3 – колосник;
4 – кўндирма (алмашувчан
элемент);
5 – аррали диск;

6 – арралар аро қистирма;
7 – аррали цилиндр вали:

**12 - расм. Аррали жин
колосникили панжарасининг
схемаси.**




**13 - расм. Чигитнинг колосник
юзасидаги бўйича ҳаракат
схемаси.**


Колосник юзасида чигитнинг ишқаланиши ҳисобга олмасдан $H=h+h_1+h_2$ BE ва DG чизиқнинг шундай нуқтасини топиш керакки, CF чизиқдан пастда h_2 масофада ётувчи D нуқтада колосник юзасидан чигит чиқиб кетсин.

Чигит колосник юзасидан D нуқтасида узилади, бу ерда колосникнинг реакция кучи нолга teng. (Демак $N_3=0$). Демак вазифа N_3 ни аниқлашни талаб этади. D нуқтада чигитга P оғирлик кучи таъсир этади ва колосник реакция кучи $N_3=0$, уни проекциялаб, ҳаракат тенгламаси тузамиз.


$$\frac{mv_1^2}{R_1} = P \cos \varphi - N_3 \quad (4)$$



14 - расм. Чигитнинг колосник юзасидан сакраш баландлиги h_2 нинг R_1 радиусига боғлиқ ўзгариши графиги.



15 - расм. $\beta = 36^0$ бўлганида чигитнинг колосник юзасидан сакраш баландлиги h_2 нинг h баландликка боғлиқ Оғиш баландлигига боғлиқ ўзгариши графиги.



16 - расм. Колосник юзасидаги чигитнинг ҳаракатланиш фото лавҳаси

16 – расмда аррали жин колосник юзасидаги бўйича чигитнинг ҳаракатланиш графиги келтирилган. Тажрибавий изланишлар BC - $l_1=0.0896$ м ва CD - $l_2=0.0173$ м узулишида $h_1=0,0527$ м ва $h_2=0,0109$ м баландликда ишчи узунликда ўтказилди, бунда чигитнинг бошланғич тезлиги $v_0=0$ м/с га учиб чиқишида эса $v_1=0,96$ м/с ни ташкил этди.

Консол колосникнинг $Ст3$ дан тайёрланган ва аррали жиннинг тозалаш камераси колоснигининг қўйидаги ҳисоблаш мустаҳкамлик характеристкалари олинган:


- эгилишнинг энг катта қиймати $\theta_{\max}=-5.21'$ ва буралиш бурчаги $y_{\max}=-0,088$ мм;

- нормал бўйича мустаҳкамлик шарти $\sigma_{\max}=1,462\text{MPa} > [\sigma]=110\text{MPa}$ ва уринма кучланиш бўйича $\tau_{\max}=0,6$ МПа $< [\tau]=50$ эгилишда катта захира билан таъминланган;

- алмашинувчи элемент-винт-колосник бирикмасида винт резьбаси эзилиш баландлиги $h=0,126 \text{ мм}$ ни ташкил этди;
- таянчдаги реакция кучи 3,5 марта ошади, нормал кучланиш 3,5 дан 4,3 мартағача ошади.

Колосникларнинг амалдаги конструкцияси бир марта фойдаланиш учун тайёрланади, бу эса колосники панжаранинг молиявий сарфининг ошиши ва йиғишдаги паст даражадаги аниқликка ва мустаҳкамликка олиб келади.

Колосникнинг таклиф этаётган конструкцияси унинг ейилишида колосниклар бутунлигича алмаштирмасдан, унинг алмашинувчи элементни алмаштириш өвзига қайта йиғилади (17-расм).



17 - расм. 4ДП – 138 аррали жин ишчи камерасидаги колосники панжара ва аррали цилиндр.

Янги техниканинг иқтисодий самарадорлигига ҳисоблаш халқ хўжалигида янги техника ихтиро ва рационализаторлик таклифидан фойдаланган ҳолда иқтисодий самарадорликни ҳисоблашнинг услубиётига (умумий қоидаларга) мос равища амалга оширилди.

Маълумотларни иқтисодий самарадорлик формуласига қўйиб, колосники панжарани пахта тозалаш корхонасиги тадбиқ этишдан кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорлик 26673 минг сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

«Отиб берувчи барабанли аррали жиннинг ресурстежамкор қисмларини ишлаб чиқиши» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хуросалар тақдим этилади:

1. Ишчи камерани асосий детали бўлган колосниклар мамлакатимиздаги жуда кўплаб жин машиналарида икки таянчли конструкциялари ишлатилмоқда. Бундай колосникларда тиқилишлар нафақат ишчи зонада балки пастки қисмда ҳам содир бўлади. Бу эса иш унумини пасайиши олиб келади.

2. Изланишлар натижасида қия қозиқли отиб берувчи барабан юзасидаги пахта хом ашёсининг ҳаракатини ифодаловчи математик модели қурилган. Бу қурилган моделни тадқиқ этиш натижасида қуйидаги конструктив ва кинематик параметрлар аниқланган: барабан ташқи диаметри – 145 $мм$, айланилар частотаси - $36,65 \text{ c}^{-1}$, иш унумдорлиги - 1200 кг/с , қия қозиқли отиб берувчи барабан юзасига пахта хом ашёсини ташлаб бериш бурчаги $\varphi_o=60^\circ$ бўлишини имконини берди.

3. Барабанга нисбатан 114° бурчак остида пахтани ташлаб бериш зонасида пахта хом ашёсининг нисбий тезлиги $0,2667 \text{ м/с}$, аррали цилиндр юзасига келиб тушишдан олдинги тезлиги $2,562 \text{ м/с}$ ни аррали цилиндрга нисбатан $1^\circ 02'$ ни ташкил этди.

4. Тадқиқотлар натижасида ўқлар бўйича масофа $\Delta_x=0,2365 \text{ м}$; $\Delta_y=0,08969 \text{ м}$ лиги, ҳамда отиб берувчи барабан ва аррали цилиндр орасидаги масофа $a_w=0,25294 \text{ м}$ ни ташкил этишини аниқлаш имконияти яратилди.

5. Изланишлар натижасида аррали жиннинг отиб берувчи барабани ва икки барабанли таъминлагич машина агрегатининг ҳаракат тенгламаси тузилди ва уни тадқиқ этиш натижасида: жин электродвигателига тушадиган энг катта қаршилик моменти 2870%; таъминлагич қозиқли барабани 111,7%; оралиқ вал тасмасининг қайишқоқ –диссипатив параметри 107,0% ва таъминлагич қозиқли барабани 106,4% ни ташкил этди.

6. Қаршилик моментининг -90 дан +100 % гача ортиши билан мос равиша аррали цилиндр электродвигателининг сарфланадиган қуввати 644,29 дан 18490. $Вт$ гача, отиб берувчи барабан 9524,367 дан 9752,794 $Вт$ гача ва таъминлагичнинг қозиқли барабани 9070,044 ва 10135,53 га ошади, ҳамда электродвигател ротори, аррали цилиндр, отиб берувчи барабан ва қозиқли барабанлар инерция моментини -90 дан 100 % гача ортиши билан электродвигателнинг сарф қувватини ўзгариши 9500-9680 $Вт$ оралиғида бўлишига имкон берди.

7. Силжиш шаклидаги чекли элементлар ҳисоблаш усули ёрдамида эгилиш, эгучи куч, эгувчи моментлари ҳамда отиб берувчи барабаннинг ишлаш режимини таъминлаш учун ва резонанс режимига четлаш учун уни айланишини критик тезлиги аниқланди ва тебраниш шакли қурилди. Отиб берувчи барабаннинг биринчи, иккинчи ва учинчи критик тезликларининг ҳисобий миқдорлари мос равиша 380,67, 1513,3 ва 3353,3 рад/с аниқланди.

8. Аррали жин ишчи ва тозалаш камераларидаги консоль колосник мустаҳкамлик кўрсаткичлари:

- максимал эгилиш $\theta_{\max}=-5,21'$ ва бурчак эгилиши $y_{\max}=-0,088 \text{ мм}$;
- нормал бикрлик шарти бўйича
- кучланиш шарти бўйича $\tau_{\max}=0,6 \text{ МПа} < [\tau]=50 \text{ МПа}$ эгилишда $\sigma_{\max}=1,462 \text{ МПа} > [\sigma]=110 \text{ МПа}$ катта заҳира билан шартлар бажарилди;
- алмашинувчи элемент-винт-колосник бирикмасида винт резьбаси эзилиш баландлиги $h=0,126 \text{ мм}$ ни ташкил этди;;
- таянч реакция кучи 3,5 марта кўпайди, нормал кучланиш эса 3,4 марта камайди.

9. Олинган тадқиқотлар натижасида 30 ва 138 аррали жин учун янги конструкциядаги колосник панжараси тайёрланди. Эксплуатацион тажриба текширишлар натижасида 4ДП-138 аррали жин ишчи камераси колосник панжараси жинлаш техник жараёнини қониқарлы бажарып, унинг қуидаги күрсаткичлари аниқланды: тола унумдорлиги 1339.9 (серияли жинда 1252.2) кг/соат, аррали цилиндр энергия сарфи - 55.7 кВт бўлишига имкон берди.

10. Тақдим этилган 138 аррали жин машинасини фойдаланиш натижасида олинадиган йиллик иқтисодий самарадорлик 26673 минг сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ИНСТИТУТ МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ

АХМЕДОВ ХАМИДУЛЛА АБДУХОШИМОВИЧ

**РАЗРАБОТКА РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩИХ УЗЛОВ ПИЛЬНОГО
ДЖИНА С НАБРАСЫВАЮЩИМ БАРАБАНОМ**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроники и
робототехнические системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.4.PhD/T516.

Диссертация выполнена в Институте мехники сейсмостойкости сооружений Академия Наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Мухаммадиев Давлат Мустафаевич
доктор технических наук

Официальные оппоненты:

Джураев Анвар Джураевич
доктор технических наук, профессор

Саримсоқов Олимжон Шарипжанович
доктор технических наук

Ведущая организация:

Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится «16» ноября 2018 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100., г.Ташкент, ул. Шохжакон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована №47). (Адрес 100100., г.Ташкент, ул. Шохжакон-5, Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.)

Автореферат диссертации разослан «29» октября 2018 года.
(реестр протокола рассылки № 47 от «29» октября 2018 года).

К.Жуманиязов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.З. Маматов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А. Джураев

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во многих странах мира хлопковое волокно является основным сырьем текстильной промышленности. По данным Международного консультативного комитета (ICAC) «цены на хлопок оставались высокими в сезоне 2017/18 году в среднем на 84,63 цента за фунт до конца сезона, мировая площадь под хлопком составляла в среднем 32,4 миллиона гектаров, а выработанное волокно составило 25,68 млн. тонн, при этом ожидается рост мирового потребления хлопка до 26,7 млн. тонн»¹. В этом плане является важным развитие хлопкоочистительной промышленности, а именно создание новых ресурсосберегающих техники и технологий, снижение себестоимости продукции на мировом хлопковом рынке.

В мировой практике проводится много научно-исследовательских работ по усовершенствованию техники и технологии первичной обработки хлопка. В этой связи имеет большое значение автоматизация рабочего процесса пильного джина, который является основной технологической машиной хлопкоочистительных предприятий, повышение производительности труда, снабжение рабочей камеры ресурсосберегающими узлами, определение их влияния на прочность, совершенствование эксплуатационной надежности машины, разработка математических моделей, с помощью которых можно оптимизировать задачи сохранения естественного качества получаемого хлопкового волокна. Вместе с этим, необходимым является разработка новой конструкции ресурсосберегающей рабочей камеры пильного джина, обоснование его параметров, сохранение качества волокна, снабжение эффективными ресурсосберегающими узлами и снижение потребляемой энергии.

В нашей республике осуществляются комплексные меры по развитию хлопковой отрасли, модернизации и техническому перевооружению хлопкоочистительных предприятий, повышению рентабельности производства и переработки хлопка-сырца, а также обеспечению конкурентоспособности выпускаемой продукции. В Стратегии действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в частности по «...повышению конкурентоспособности национальной экономики, уменьшению расходов энергии и ресурсов, широкому внедрению энергосберегающих технологий...»². В связи этих задач, одной из важных является, разработка новой конструкции рабочей камеры пильного джина, снабжение его ресурсосберегающими узлами, снижение энергопотребления, создание технологии изготовления новых конструкций узлов рабочей камеры пильного джина.

Данное диссертационное исследование в определенной степени направлено на выполнение задач, предусмотренных в постановлении

¹ Cotton: World Statistics. <http://www.ICAC.org>; <http://www.statica.com>.

² Указ Президента Республики Узбекистана № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан».

Президента Республики Узбекистан ПП-4707 «О программе мер по структурному преобразованию, модернизации и диверсификации производства продукции в промышленности на 2015-2019 годы, от 4 марта 2015 года и ПП-4408 от 28 ноября 2017 года «О мерах совершенствования системы управления хлопководческой структурой», ПП-3559 от 23 февраля 2018 года «О мерах по кардинальному совершенствованию деятельности акционерного общества «Пахтасаноат илмий маркази»» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики по направлению: II. «Энергетика, энергия и энергосбережение».

Степень изученности проблемы. Решения задач по совершенствованию рабочей камеры пильного джина, повышению ресурсосбережения, производительности труда, прочности рабочей поверхности деталей и качества производимой продукции рассмотрены в работах зарубежных E. Whitney, S.Z.Hall, T.Elliot, S.E.Hughs, R.N.Rakoff, A.V.Stanley, R.G.Hardin, P.A.Funk и др.

В нашей республике многие ученые, такие как Р.Г.Махкамов, И.Т.Махсудов, А.Е.Лугачев, М.Тиллаев, М.Агзамов, Б.М.Мардонов, Н.З.Камалов, А.П.Парпиев, Х.Т.Ахмедходжаев, А.Джураев, Ш.П.Алимухамедов, Д.М.Мухаммадиев, С.З.Юнусов, и другие проводят свои научные исследования по повышению производительности пильного джина, снабжению его ресурсосберегающими узлами и снижению энергозатрат в процессе джинирования хлопка.

Результаты проведенных анализов показывают о недостаточной изученности процессов переработки хлопка, в том числе, задач по повышению ресурсосбережения и производительности основных деталей пильного джина. Рабочие узлы пильного джина зарубежных производителей не дают возможности непосредственного их использования в отечественных пильных джинах. Поэтому необходимо важно налаживание производства в нашей республике новых конструкций рабочих узлов с обоснованными параметрами.

